

ХАСАНОВ Аҳаджон,
Ўзбекистон халқаро ислом академияси
Ислом тарихи ва манбаъшунослиги IRCICA
кафедраси
профессори, тарих фанлари доктори,
Ўзбекистонда хизмат кўрсатган ёшлар
мураббийси

ИСЛОМ ТАРИХИДА ХАЛИФАЛИК ИНСТИТУТИ

ИНСТИТУТ ХАЛИФАТА В ИСТОРИИ ИСЛАМА

INSTITUTE OF THE CALIPHATE IN THE HISTORY OF ISLAM

Аннотация: Ушбу мақолада Ислом тарихида халифалик институти борасида сўз юритилади. Муҳаммад (с.а.в.) ҳаёт пайтларидаёқ келажакда бу давлатни бошқаришда муайян ўзгаришлар юз беришини, динийлик ва дунёвийлик муносабатларида батамом янги тамойиллар шаклланишини англаган ҳолда “мендан кейин халифалик ўттиз йил давом этади, ундан сўнг амирлик-подшолик бўлади”, мазмундаги ҳадисларини илмий жиҳатдан асослаш долзарб масалалардан саналади.

Таянч иборалар: халифа, пайгамбар, халифалик, институт, подшоҳлик, Аллоҳ

Аннотация: В этой статье рассматривается институт Халифата в истории ислама. Хорошо известно, что пророк Мухаммад (мир ему и благословение Аллаха) еще при жизни осознавал, что в будущем в управлении государством произойдут определенные изменения и, что в отношениях между религией и светкостью будут сформированы совершенно новые принципы, поэтому одним из самых актуальных вопросов является сегодня научное обоснование хадиса: «После меня будет халифат в течение тридцати лет, а потом будет эмират».

Ключевые слова: халиф, пророк, халифат, учреждение, царство, Аллах

Abstract: This article examines the institution of the Caliphate in the history of Islam. It is well known that Muhammad (peace and blessings of Allaah be upon him) was aware during his lifetime that certain changes would take place in the governance of this state in the future, and that completely new principles and scientific substantiation of the hadiths would be formed in the relationship between religion and secularism: the caliphate for thirty years, and then there will be an emirate ”- one of the most pressing issues.

Keywords: caliph, prophet, caliphate, institution, kingdom, Allah

КИРИШ

Давлатчилик тарихида теократик ғоянинг ўрни динийликдан дунёвийликдан ўтиш жараёни қандай юз берган, деган масала бугунги кунда ҳам тарихнинг долзарб муаммоси сифатида қаралмоқда. Барча учун аниқ-равшанки, ҳозирги замонда диний асосда қурилган давлат на Ғарбда ва на Шарқда йўқ ва бўлиши ҳам мумкин эмас, зеро XX асрнинг буюк тарихчиси Арнольд Тойнбининг сўзлари билан айтсак: “Агар черковь вақтинча бўлсада, ғалаба қозонса ҳам, у идеал давлат бўла олмайди, чунки у замин муаммоларини заминий услублар билан ҳал қила олмайди”. Узоққа бормаи, кўз ўнгимизда 2011-2013 йилда Президентлик лавозимига эришган “ал-Ихвон ал-муслимийн” вакили Муҳаммад Мурси 1 йилгина давлатга раҳбарлик қилди, сўнг халқ норозилигига, учраб, тахтдан ағдарилди. Шу давр ичида у янги Конституцияни зўрлик билан жорий этиб, теократик давлат тузмоқчи эди.

Аммо башарият тарихида бир неча бор содир бўлганки, давлат бошлиғи теократик функцияларни бажарган ҳолда секин-аста динийликдан дунёвийликка ўтилган. Биринчи бор Шумерда бундан 45 аср олдин юз берган воқеа рус олими И.М.Дьяконов шундай ҳикоя қилади: “Лугалларнинг энсиларга нисбатан кучайиб бориши жараёни уларнинг иқтисодий қудрати улғаяётгани, ҳокимнинг шахсий ҳарбий гвардияга таянган ҳолда бошқарув тизими мустаҳкамланаётгани ва ҳарамлар хўжалиги тобора унинг қўлига ўтиб бораётгани билан боғлиқ эди”. Худди шунга ўхшаш жараённи бундан 26 аср аввал Жанубий Арабистон тарихида ҳам кузатамиз. Дастлаб Саба давлатида ижтимоий пирамиданинг юқори қисмини рухонийлар эгаллаганлар. Манбаларда давлатни бошқарган Карибаил Ватор милoddан аввалги 620-610 йилларда “Мукарриб” ва мил.авв. 610-600 йилларда “Малик” титули билан берилган. Карибаил Ватар теократик вазифаларни бажарувчи “мукарриб”ни кўпроқ ҳарбий функцияларни бажарган “малик” титулига жўнгина алмаштирилмаганини австриялик олим Э.Глазер топган эпиграфик ёзувда ҳикоя қилинган. Санкт-Петербурглик олим А.Г.Лундиннинг фикрига кўра, “мукарриб” ва “энси”ларнинг вазифалари айнан бир-бирига мувофиқ келади.

АСОСИЙ ҚИСМ

Маълумки, Муҳаммад (сав) Аллоҳнинг танланган элчиси (расули) бўлиши билан баробар давлатнинг раҳбари ҳам эди. У араб таркоқлигига барҳам бериб, буюк араб-мусулмон салтанатининг тамал тошини қўйди. Пайғамбар (сав) ҳаёт пайтларидаёқ аниқ билардиларки, келажакда бу давлатни бошқаришда динийлик ва дунёвийлик муносабатларида батамом янгича тамойиллар шаклланади. У кишининг “мендан кейин халифалик ўттиз йил давом этади, ундан сўнг амирилик-подшолик бўлади”, мазмунидаги ҳадисларини айнан шу маънода тушунмоқ керак. Ҳадисдан кўриниб турибдики, Расулulloҳ ҳатто давлатнинг номини ҳам айтиб кетганлар.

Юқорида таъкидланганидек, Муҳаммад (сав) “умма” олдидан икки асосий вазифани бажарганлар: биринчиси – Аллоҳнинг каломини беками-кўст қавмига етказиб турганлар, иккинчиси – жамоа билан боғлиқ муаммоларни ўзлари ҳал қилганлар. У киши вафот этганларидан сўнг ўринларига халифа тайинланиши ҳақида ҳеч қандай шубҳа туғилмаган, аммо унинг шахси хусусида турли фикрлар пайдо бўлди. Халифа Қурайшдан бўлиши керак, деган фикрни асосан Расулulloҳ саҳобалари ва баъзи ансорлар қўллаб-қувватладилар. Аммо кўпчилик ансорлар бошқа фикрда эдилар. Улар ҳижрат пайтида муҳожирларни хусни қабул айлаб, бошпана берганлари, доимо Пайғамбарга садоқат билдирганлари ва муҳожирларни қўллаб-қувватлаганларини ваз қилиб, халифа улардан бўлиши лозимлигини даъво қилдилар. Қанчалик фикрлар кўп бўлмасин, охи-роқибат, муҳожирлар Абу Бакрнинг “Халифату Расулиллоҳи” – “Аллоҳ элчисининг халифаси, ўринбосари” бўлишига эришдилар. Манбаларда у бошқарган давлат қисқачасига “Халифат” номини олди. Манбаларда Абу Бакрга қасамёд жараёни “қўққисдан”, “тўсатдан”, “кутилмаганда” (арабча “фалтатан”) юз бергани қайд этилади. Абу Бакр, Умар ибн ал-Хаттоб, Усмон ибн ал-Аффон ва Али ибн Абу Толиблар “Хулафои рошидун” деган ном олдилар ва бу халифаларнинг ҳукми 30 йил давом этиши ҳақидаги Пайғамбар (сав)нинг башоратлари ўз исботини топди. Шу давр ичида қисман диний, қисман дунёвий давлат шаклланди.

Абу Бакрдан сўнг давлатни бошқарган Умар ибн ал-Хаттоб чиндан ҳам “халифату

халифати Расулиллоҳи” (Расулulloҳ халифасининг халифаси) бўлди. У амалга оширган ислохотчилик туфайли давлатчилик шаклланди, давлат бошлиғи кўпроқ дунёвий вазифаларни бажара бошлади. Шу боисдан кўп ўтмай, у ўзига ярим диний, ярим дунёвий “амир ал-муминийн”, яъни “мўминлар амири” титулини олишни маъқул кўрди. Кейинчалик, диний ҳокимиятни қўлда сақлаб қолиш учун Али тарафдорлари уни “имом” деб атадилар. Али ибн Абу Толиб вафотидан сўнг “Рошид халифалар” даври тугади ва ҳадисда башорат қилинганидек, подшоҳлик даври бошланди. Бунинг ёрқин далилини шунда кўрамизки, давлат хали ҳам халифалик деб аталса-да, биринчи Умавийлар халифаси Муавия пайтиданок давлат бошқаруви меросли бўлиб қолди. 661 йилдан 750 йилгача дастлаб Суфёнийлар, кейин Марвонийлар сулоласининг вакиллари давлат тахтига ўтирдилар. Машхур ислом тарихчиси ал-Хузайрий “Муҳодарот фи тарих ал-умам ал-исломия” (Мусулмон умматларининг тарихи бўйича маърузалар) номли китобида ҳақли равишда бу даврни “Умавийлар халифалиги” эмас, “Умавийлар давлати” деб атайди.

VII асрнинг 20-30 йилларидан бошлаб, Умавийлар давлати инқирозга юз тутта бошлади. Шиалар хонадонининг ўша пайтдаги энг кўзга кўринган вакили, Муҳаммад ибн Ҳанафиянинг ўғли Абу Ҳошим вафотидан аввал ўзининг “имом”лик ваколати ва тарафдорларини Аббоснинг невараси Муҳаммад Алига топширди. Нима бўлганида ҳам аббосийлар бундан жуда усталик билан фойдаландилар, умавийларга қарши кампанияни бошлаб, 750 йилда ҳокимият тепасига келдилар ва то 1258 йилгача, мўғиллар Бағдод шаҳрини ишғол қилгунларига қадар давлатни бошқардилар. Аббосийлар давлати ўзининг раванкига Хорун ар-Рашид ва унинг ўғли ал-Маъмун даврида эришди. Аммо одатда доим юз берганидек, айти шу даврдан сўнг империя инқирозга учради. Кейинги аббосий халифалари бир эрон, бир турк этник элементига таяндилар. Аммо бунинг натижасида улар турк, бувайхий, салжук ҳарбий саркардалари қўлида “қўғирчоқ”ларга айланиб қолдилар. Номинал равишда аббосий халифаларининг ҳукми давом этган бўлса-да, IX асрдан бошлаб, Фарбда Идрисийлар, ал-Моравийлар, ал-Мўҳадлар, Фотимийлар, Шарқда эса Тохирийлар, Саффорийлар, Сомонийлар, Салжукийлар, Ғазнавийлар ва Хоразмшоҳларнинг мустақил давлатлари вужудга келди.

1258 йилда Чингизхоннинг невараси Хулагухоннинг Бағдодга кириб келиши билан Аббосийлар халифалиги барҳам топди. Шундан биров аввал 1250 йилда Миср ва Сурияда мамлуклар давлати қарор топган эди. 1261 йилда мамлук султони Зоҳир Байбарс Абу Аббос Аҳмадни Қоҳирага таклиф қилади ва “ал-Ҳоким би амриллоҳи амир ал-муминийн” титулини тақдим этиб, халифа деб эълон қилади. Шундай қилиб, Қоҳирадаги аббосий халифаларининг ҳукми то 1517 йилгача, то Усмоний турклар султони Салимшоҳ Мисрга бостириб киргунга қадар давом этди. Миср мамлук султонларига аббосий халифалар уларнинг ҳокимиятини легитимлаштириш (қонунийлаштириш) учун керак бўлганди, чунки уларнинг асли келиб чиқиши қул бўлган. Академик В.В.Бартольд ўзининг “Халиф и султан” номли асарида Қоҳирадаги аббосий халифаларининг ҳаққонийлигини шубҳа остига олганди.

Қоҳирадаги аббосий халифалари хусусида Амир Темур билан боғлиқ антиқа воқеа юз берган. 1401 йилнинг январь-февраль ойларида Амир Темур Дамашқ шаҳрини сулҳ билан олган пайтда унинг ҳузурига бир киши келиб, Қоҳирадаги аббосий халифалар сулоласи сохта экани, гўёки, унинг ўзи бу сулоланинг асл вакили эканини айтади ва Амир Темурдан буни эълон қилишни сўрайди. Амир Темур унга: “яхши, маҳаллий уламоларни йиғамиз, улар нима ҳукм чиқарсалар, шуни қиламиз”, - дейди ва бу йиғилишга дунёга машҳур Ибн Халдунни ҳам таклиф қилади. Ибн Халдун ўзининг “Таъриф би ибн Халдун” номли автобиографик асарида ёзишича, у аббосий халифалар сулоласини батафсил баён қилиб, бу кимса халифаликка ҳеч қандай ҳаққи йўқлигини исботлаб беради. Шундан сўнг Амир Темур у кишига: “Мана, ўзинг гувоҳи бўлдинг, сенинг талабингда ҳеч қандай асос йўқ экан, тўрт томонинг қибла”, - деб жавоб қилган экан. Тасаввур қилинг-а, сохта иддаога ишониб, уни аббосий халифаси деб эълон қилганида, ким билади, дейсиз, унинг қўл остидаги аббосийлар сулоласи қанча ҳукм суларди. Йўқ, буюк Амир Темур тарих олдида қулгу бўлишни истамасди.

Амир Темур ўзига эп кўрмаган нарсани бир аср кейин Усмонли турклар амалга оширдилар. Салимшоҳ охириги Қоҳира аббосийлари халифаси Мутаваккил Алоллоҳни амакисининг икки ўғли билан бирга Стамбулга кўчирди ва у ерда халифалик 4 аср давом этди. Энг қизиғи,

Усмонлилар мусулмон дунёсида ҳам диний раҳнамоликни истаб қолдилар ва аббосийлар халифаси Салимшоҳ фойдасига халифалик ваколатидан воз кечиб, унга қасамёд қилди, деган уйдирмани тарқатдилар. Шундай қилиб Усмонли султонлар то Биринчи жаҳон урушида мағлуб бўлгунларига қадар ҳам султон, ҳам халифа вазифасини бажариб келдилар. Ҳозирги Туркия чегараларини сақлаб қолган Мустафо Камол Отатурк 1923 йилда Туркияни Республика деб эълон қилди ва 1924 йилда халифалик институтини батамом бекор қилди.

ХУЛОСА

Кўриб турганимиздек, халифалик институти расман бекор қилинганига бир аср бўлди. Аммо бизнинг давримизда ҳам уни тиклашга ҳаракат қилувчилар пайдо бўлиб қолди. Халқаро “Ҳизб ат-Таҳрир” экстремистик ташкилоти, яна қаерда денг, Фарғона водийсида, Ўзбекистоннинг уч вилояти, Қирғизистон икки вилояти ва Тожикистоннинг шимоли-шарқий қисмини ўз ичига олган ҳудудда халифалик барпо қилиш ҳомҳаёли билан банд.

Ушбу мақолани яна бир бор буюк Пайғамбар (сав)нинг машҳур ҳадиси билан якунлашни истардик: “Халифалик мендан кейин ўттиз йил, ундан сўнг амирлик-подшоҳлик ўрнатилади”. Қисқа ва лўнда! Бизнинг давримизда халифалик тузишни ўйлаётган, бу кўриниб турган нарса, подшоҳлик қуришни ният қилмоқдалар. Мухими ва бу нарса аниқ-равшанки, Қуръони каримда “халифалик” тузиш ҳақида ҳеч қандай кўрсатма йўқ!

ФЙДАЛАНИЛГАН МАНБА ВА АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ

1. Тойнби А. Постигение истории. М.1991. С.515
2. Дьяконов И.М. Общественный и государственный строй древнего Двуречья. – Москва, 1959. С. 127.
3. Лундин А.Г. Государство мукаррибов Саба. – Москва, 1971. – С. 196.
4. Ҳасан, Али Иброҳим. Ат-Тарих ал-Исломи ал-Омм. – Қоҳира, – Б. 218-219.
5. Ал-Ҳударий, Муҳаммад. Ад-Давлат ал-Умавийа. – Байрут: Дор ал-Маориф. – Б. 288.
6. Ибн Халдун, Абд ар-Раҳмон. Ат-Таъриф би Ибн Халдун фий рихлатихи ғарбан ва шарқан. – Лубнан: Дор ал-Китоб ал-Лубнаний, 1979. – Б. 369.
7. Инан, Муҳаммад Абдуллоҳ. Ибн Халдун. Ҳайатуху ва турасуху ал-Фикрий. – Қоҳира, 1965. – Б. 91.